

Замонлар тамаддуни



12:34 / 21.09.2019 2551

Жорий йилнинг 20 сентябрь куни Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида «Замонлар оша цивилизация – Ўзбекистон» мавзусидаги кўргазма ва илмий анжуманнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда Ислом цивилизацияси маркази матбуот хизмати хабар беради.

Ушбу анжуманнинг очилиш маросимида Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги инсоният ва цивилизация ривожига Департаменти, Туркиянинг маданият ҳамда ташқи ишлари вазирликлари, ТИКА ҳамда Турк ҳаво йўллари, Истанбул ҳамда Мармара университетлари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази вакиллари иштирок этдилар.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Туркия энергетика ва табиий захиралар вазири Фатих Дўнмез, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчиси Махмуд Сурайя Эр, Ислом цивилизацияси маркази раҳбари Ш.Миноваровлар ўзбек-турк

ҳамкорлиги истиқболлари, икки томонлама муносабатларда маданият соҳаси ҳам муҳим ўрин тутиши, исломий маданий мерос умумий мулк эканлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини бериб ўтдилар.

Кўргазма Ўзбекистон ҳудудидаги Ислом цивилизацияси ёдгорликларига бағишланди Жумладан, Фарғоний, Бухорий, Термизий, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Нақшбандий, Ғиждувоний, Улуғбек ва бошқа мутафаккирларнинг илмий мерослари тарғиб қилинди.

Бундан ташқари кўргазмада маданиятлар ва илмий мерос мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

***Islom.uz* портали таҳририяти**